Тошкент ҳақиқати
8 январь, 1991 йил ● № 5 (10.001).

*● Бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилиши*

# БЎЛАЖАК ПЛЕНУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Ўтган 1990 йилни Қарорлар йили деб айтсак, муболаға қилмаган бўламиз. Халқ депутатлари, коммунистлар ва комсомоллар шу йили ўзларининг съездларини ўтказдилар. Бу съездларнинг кўпчилиги навбатдан ташқари чақирилди, чунки сиёсий воқеалар тезлик билан ўзгараётган жамиятимизда аввалги съездларда қабул қилинган қарорлар ўз кучини йўқотаётган эди.**

Демак, бўлиб ўтган съездларда муҳим қарорлар қабул қилинди. Бироқ, уларнинг ижроси назоратга олинмас экан, қарорлар қарорлигича қолаверади. 5 январь куни пойтахтда иш бошлаган Тошкент вилояти бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашида ҳам КПСС XXVIII ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини қай йўсинда амалга ошириш, съездларда қабул қилинган қарорларга вилоят коммунистларининг муносабати ҳақида фикрлашиб олиш мўлжалланган.

Кенгашда ҳаммаси бўлиб 2199 коммунист иштирок этиши кўзда тутилган. Бироқ, барча ўз фикрини билдиришга имконият яратиш, шунингдек бўлиб ўтадиган мунозара, баҳс-мулоқот секцияларида иш олиб бориш енгил кўчиши учун кенгашни тармоқлар бўйича бўлиб ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Дастлабки кун вилоят партия қўмитаси мажлислар залига жамоа ва давлат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг котиблари йиғилдилар. Семинар кенгашни Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов кириш сўзи билан очди. У ҳозир коммунистлар учун ҳар доимгидан кўра масъулиятли давр эканлигини, кишилар бошланғич партия ташкилотлари жойларда олиб бораётган ишларга қараб туриб умуман партияга баҳо беришларини яна бир марта эслатиб ўтди. Шунингдек, йиғилиш фақат ўтган съездларни таҳлил қилиб қолмасдан, вилоят партия қўмитасининг навбатдаги пленумига ҳам тайёргарликдир. Шунинг учун ҳам Солижон Мамарасулович йиғилиш иштирокчиларига тарқатилган пленум қарори лойиҳасини диққат билан ўрганиб чиқишни, қандай фикр-мулоҳазалар бўлса барчасини пленумгача топширилишини илтимос қилди.

Сўнгра вилоят партия қўмитасининг котиби Ш. О. Дадабоев «КПСС XXVIII ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг роли» мавзусида маъруза қилди.

Кейинги тадбирлар лекция-мулоқот шаклида олиб борилди. Сўзга чиқувчилар янгиланган КПСС, Ўзбекистон Компартиясининг Устави ва Ҳаракат дастурини муҳокама қилдилар. Бу янгича иш юритишнинг афзаллиги шунда бўлдики, узундан-узоқ матн ўқилмасдан, залдагилар билан бевосита мулоқот олиб борилди.

Тушликдан сўнг кенгаш иштирокчилари секцияларга бўлиниб иш олиб бордилар. Унда маъруза муҳокамаси билан бирга, бўлажак пленум қарор лойиҳасига таклифлар киритилди.

Сўнгра иштирокчилар давра столи атрофига тўпландилар. Йиғилганларни қизиқтирган саволларга вилоят партия қўмитасининг масъул ходимлари жавоб қайтардилар.

Биз йиғилиш иштирокчиларидан семинар-кенгаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини сўрадик.

**Зокиржон АБДУЛЛАЕВ — Калинин ноҳияси «Партия XX съезди» жамоа хўжалиги бригадири, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати:**

— Бўлиб ўтган съездлардан кейин биз вилоят миқёсида бундай йиғилмаган эдик. Шунинг учун ҳам семинар-кенгаш ўз вақтида ўтказилди деб ҳисоблайман. Бугун бу ерда биз талайгина иш қилишга улгурдик, қарор лойиҳаларини муҳокама қилдик. Энди пленумда бир мунча осон бўлади. Съезд делегати сифатида шуни айтишим керакки, унда ўз Уставимиз ҳамда Ҳаракат дастурини қабул қилиниши энг катта ютуғимиз бўлди. Чунки бусиз мустақилликка эришиб бўлмайди. Энди жумҳуриятимиз Компартияси ўз йўлидан боришига имконият яратилди. Менинг ягона истагим, энди бошланғич партия ташкилотларига ҳам кўпроқ мустақиллик берилса. Бунинг учун улар ҳам ўз Уставларини қабул қилишлари шарт эмас. Бўлиб ўтган съезд жумҳурият коммунистларини бир мақсад йўлидан боришга тайёр эканликларини кўрсатди. Мустақиллик деганда мен кўпроқ ишонч ва ҳуқуқни тушунаман. Мана оддий мисол: шу пайтгача партия билети ноҳия партия қўмитаси томонидан топшириларди. Бу бир томондан масъулиятли. Лекин бошқа томондан қаралса, ўша билет топширган ходимлар тракторчи ёки сувчини яхши билмайдилар-ку. Агар партия билетини топшириш, жойлардаги коммунистларни ҳисобга олиш бошланғич партия ташкилотига топширилса, менимча бу уларнинг ҳуқуқини анча кенгайтирган бўларди. Бугунги мулоқотда бу ҳақда кўп фикрлар билдирилди.

**Матлуба НОРХЎЖАЕВА — «Қибрай» шўро хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котибаси:**

— Бугунги йиғилишда менга энг ёққан нарса бўлажак пленум қарор лойиҳасини олдиндан берилиши бўлди. Чунки, кўпинча пленумга келганимизда вилоят партия қўмитаси масъул ходимлари, яъни тор доирада тайёрланган лойиҳани бизга ўқиб эшиттиришади. Ҳали уни мағзини чақмасимиздан, қўл кўтариб маъқуллашимизни сўрашади. Энди эса қарор лойиҳасига ҳар бир БПТ котиби ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлди. Йиғилишдан кейин бу лойиҳа билан хўжалигимиздаги 176 коммунистнинг ҳар бирини таништираман. Агар бошқа жойларда ҳам шундай қилинса, пленум қарори — вилоятдаги барча коммунистлар қарори бўлади деб бемалол айтишимиз мумкин.

Семинар-кенгаш 10 январгача давом этади.

**А. ИМОМХЎЖАЕВ.**

# КУТИШ ЭМАС, ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК!

СОБИР Айтубоев асли ўқитувчи, 1952 йилдан 1975 йилгача ўрта мактабда дарс берди, 15 йил мактабга директорлик қилди. 1975 йилдан 1986 йилгача Калинин ноҳиясидаги Оржоникидзе номли жамоа хўжалигида партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлади. Мана тўрт йилдирки, шу ноҳиядаги Ўзгариш қишлоқ шўроси ижроия қўмитасининг раиси. Қуйида С. Айтубоевнинг шўролар ҳақидаги мулоҳазалари, шахсий фикрлари, таклифларини эълон қиляпмиз.

* * *

Аввало сўнгги йилларда шўроларнинг обрўсини ошириш, уларни ҳақиқий ҳокимият эгаси сифатида шаклланиши учун катта ишлар қилинаётганлигини ва бу маълум маънода ўзининг самарасини бераётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Хусусан мен раҳбарлик қилаётган Ўзгариш қишлоқ шўроси ҳудудида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қондириш, ўткир бўлиб турган ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида катта ишлар қилинди. Биргина 1989—1990 йилларда ҳудудимиздаги 350 кишига ер участкаси бердик. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Шу йилнинг ўзидаёқ 15 километр жойга газ келтирилди. 10 километр масофага сув қувурлари тортилди. Бу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Бундан ташқари маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш устида фаол иш олиб боряпмиз.

Лекин мен қуйида амалга оширилган ишлардан кўра шўроларнинг тезроқ оёққа туриб кетишларига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан шахсий фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Жуда яхши эслайман. 1960 йилларда шўроларнинг нуфузи ниҳоятда катта эди. Энг муҳим масалалар ана шу ерда ҳал этиларди. Халқ ҳам ўзининг таянчи сифатида шўроларга мурожаат қиларди. Афсуски кейинги йилларга келиб бу нуфуз қўлдан бой берилди. Шўролар, очиқ айтиш керак жуда обрўсизланиб кетди. Энди одамлар бирон ишини битириш учун шўроларга эмас, хўжаликларга, унинг раҳбарларига, партия ташкилотларига мурожаат қила бошлади. Бугун шўроларнинг обрўсини оширмоқчи, ҳокимиятни уларнинг қўлига топширмоқчи эканмиз, биринчи навбатда уларга ана шу ҳақ-ҳуқуқни беришимиз шарт. Акс ҳолда шу кунгача айтилган гаплар, қабул қилинган қарорлар яна қоғозда қолиб кетаверади. Мен мана шу тўрт йиллик фаолиятимда ана шунга тўлиқ ишонч ҳосил қилганлигим учун шундай деяпман.

Нима учун деган савол туғилиши мумкин. Сабаби шуки, ҳужжатларда шўролар ўз ҳудудларидаги барча ташкилотларга, хўжаликларга раҳбарлик қиладилар, маблағларни сарфлаш учун масъулдирлар, деб таъкидлаб қўйилган. Амалда эса ҳудудимиздаги биронта ҳам ташкилот биз билан шу кунгача ҳисоблашаётгани йўқ. Ҳатто ноҳия партия ташкилоти, ноҳия кенгаши раҳбарлари ҳам ҳудудимиздаги биронта хўжаликка келадиган бўлсалар бизни четлаб ўтадилар. Ёки бўлмаса уларга раҳбар тайинлашда ҳам ҳеч қачон биз билан маслаҳатлашмайдилар. Ҳамон бу ишни юқорида ҳал қилиб келадилар. Хўш, шундай бўлгач, хўжалик ёки ташкилотнинг раҳбари шўрони менсийдими? Йўқ, албатта. Мен бу билан қишлоқ шўроси ҳамма нарсани ўз қўлига олиши керак, демоқчи эмасман. Аксинча, у ўз ҳуқуқидан фойдалана билиши лозим.

**КЕНГАШЛАР ВА ҚАЙТА ҚУРИШ**

Яна бир энг муҳим масала — қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш учун зарур бўлган маблағ муаммоси. Бу борада ҳам қарор қабул қилинди. Қишлоқ шўроси ҳудудидаги барча ташкилотлар ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағни шўро ихтиёрига ўтказиши лозим. Афсуски бу ҳам ҳамон қоғозда қолиб келяпти. Айримлар эса бизга тўё турли солиқларни ўтказиш билан чегараланишмоқчи. Йўқ, бу билан шўроларнинг обрўсини ошириб бўлмайди. Аслини олганда корхона ва ташкилотлар ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун ажратилган маблағни шўролар ихтиёрига ўтказсалар икки томонлама фойдали бўларди. Биринчидан, қишлоқлардаги муаммоларнинг ҳаммасини шўроларнинг ўзлари ҳал этардилар. Қарабсизки, хўжалик ёки ташкилот раҳбарлари бевосита ўзларининг ишлаб чиқаришдаги масалалари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлур эдилар. Иккинчидан қишлоқлардаги муаммони — қайси кўчани, ёки қайси маъмурий бинони, мактаб ёки болалар боғчасини ремонт қилишни, қайта жиҳозлашни қишлоқ шўроси раҳбаридан яхши биладиган киши йўқ, ахир.

Назаримда қишлоқ шўроларининг нуфузини ошириш учун маҳалла қўмиталари катта роль ўйнайдилар. Тошкент шаҳрида маҳалла қўмиталари раислари ва котибларига маош тўланмоқда. Буни қаранг, яна қишлоқ билан шаҳар ўртасида тафовут юзага келмоқда. Чунки қишлоқларда бу иш амалга ошмаяпти. Менимча, шаҳарларда маҳалла қўмиталари амалга ошираётган ишларни қишлоқлардаги маҳалла қўмиталари ҳам бажармоқдалар. Болалар тарбияси, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда уларнинг ёрдамларини сезиб турибмиз. Шундай бўлгач, бу масала вилоят миқёсида ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди.

Яна бир фикр. Қишлоқ шўроларига сайланадиган депутатлар ҳақида. Тўғри, кейинги сайловларда бу иш бирмунча тартибга тушди. Депутатларнинг сони қисқарди. Уларнинг фаолиятини жонлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Афсуски бу депутатларимизнинг ҳаммаси ҳам ўз ваколатларини тўлиқ бажармаяптилар. Шундай экан, қишлоқ шўросига 40—50 депутатнинг кераги борми ўзи? Шунингдек ўзининг самарасини бермаётган доимий комиссиялар ҳам зарурми? Менимча, бунга ҳожат бўлмаса керак. Менга қолса, қишлоқ шўроларига ҳақиқий ишбилармон, юқорининг кўрсатмасисиз сайланадиган депутатни сайлаш, улар орқали ишларни жонлантириш керак. Аксинча, биз ўз фаолиятимизни маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда ривожлантиришимиз осонроқ кўчмоқда. Шундай экан, қишлоқ шўролари тузилишини янги қонунлар асосида такомиллаштирсак фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ўйлайман.

Албатта, мен юқорида шўролар билан боғлиқ муаммолар хусусида шахсий фикрларимни билдирдим. Аммо ҳокимиятни шўроларга бериш учун ҳаракат қилаётган эканмиз, бир нарсани яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман. Юқори ташкилотлар биз билан ҳисоблашмас эканлар, ҳудудимиздаги ҳар бир ўзгаришдан биз хабардор бўлмас эканмиз, ўз-ўзидан қандайдир кооперативлар, корхона, ташкилотлар бизнинг хабаримизсиз пайдо бўлаверар экан, кўзланган мақсадга эриша олмаймиз. Ўрни келганда яна бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Биронта хўжалик ёки ташкилотга борсангиз оддий бўлим бошқарувчисини ҳам хизмат машинаси олиб юради. Бутун бир 7,5 минг аҳолига хизмат қилаётган қишлоқ шўросига битта ҳам машина ажратилмаган. Бу мисолни ҳам айнан шўролар обрўсига таъсир кўрсатаётганлиги учун таъкидлаб ўтдим.

Лўнда қилиб айтганда бу борада кескин ўзгариш ясайдиган пайт аллақачон келди. Энди кутиш эмас, ҳаракат қилишимиз керак. Акс ҳолда аҳвол яна эскича қолаверади.

**С. АЙТУБОЕВ,**
**Калинин ноҳиясидаги Ўзгариш қишлоқ шўроси ижроия қўмитаси раиси.**

*● Тарбия мавзуида*

# МАКТАБ ВА ОИЛА

ЁШ авлодни қанчалик яхши тарбияласак, мустаҳкам билим берсак, улар вояга етгач, халқимизнинг, жамиятимизнинг баркамол фарзандлари бўлиб етишиши шубҳасиздир. Болалар тарбиянинг асосий қисмини оилада олишади. Шу сабабли ота-онанинг бир-бирига нисбатан бўлган муносабати боланинг келажагини белгилайди. Буни шаҳримизнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги Ҳожимурод Дўстмуҳамедов, Собит Аҳмедов ёки Мевазор маҳалласидаги 20-уйда истиқомат қилувчи, авиация заводи ишчиси Бахтиёр Комилхожиев, Қорасарой кўчаси 139-уйда яшовчи ҳайдовчи Анвар Мажидов, Қибрай салқин ичимликлар корхонасининг ишчиси Ўткир Икромовлар оилалари мисолида кўриш мумкин. Улар мунтазам равишда мактаб ва синф раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Бироқ гул тикансиз, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айрим оилалар, хусусан ота-оналар ўзлари тарбияга муҳтож бўладилар. Эр-хотиннинг ноаҳиллиги, тез-тез бўлиб турадиган жанжаллар болаларга салбий таъсир қилади. Натижада уларнинг ўқигиси ҳам келмай қолади. Ҳамма нарсадан кўнгли совиб кетади. Ўқитувчи ҳар қанча ҳаракат қилгани билан унинг ота-онаси уйда боланинг юриш-туришини ҳар доим назорат қилиб бормаса, дарс тайёрлашларини кузатмаса, ўқиши, дам олиши учун шароит яратиб бермаса, бундай болаларнинг тарбияси анча оғир бўлади. Қайта тарбиялаш эса, ундан ҳам қийин кечади.

Оилада, мактабда болаларга нисбатан қўполлик, дағаллик ўрнига самимий муносабатда бўлиш яхши натижа беради. Болалар олдида кўчадан эшитиб келган ҳар хил воқеаларни гапириш ҳам яхши эмас.

Болалардаги меҳнатга бўлган муносабат ҳам оиладан бошланиб, мактабда шаклланади. Шундай экан уларни ёшликдан турли ишларни бажаришга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бола тарбияси шундай бир мураккаб жараёнки, у ота-онадан, ўқитувчидан ҳамиша ҳушёр, зийракликни, ақл билан фикр юритишни талаб қилади. Агар у беихтиёр бирор ўринсиз иш қилиб қўйса она:

— Болам, бу ишинг нотўғри. Бизнинг оилада бундай ишлар бўлиши, ўзбошимчалик билан иш қилиш мумкин эмас, дея тўғри танбеҳ бериши лозим. Фикримизча бу болага ижобий таъсир кўрсатади. Борди-ю, она бунинг аксича иш тутса, бола қайсар ва ота-онани ҳурмат қилмай қўяди.

Шундай ота-оналар ҳам борки, улар бола тарбияси билан умуман шуғулланмайдилар. Ўғли ёки қизи мактабда ёки маҳаллада бирор ножўя иш қилиб қўйса, фарзандларининг ёнини олиб бошқалар билан ёқалашишгача борадилар. Ўз фарзандлари тарбиясига бундай нотўғри ёндашиш кейинчалик болаларнинг ҳаётда носамимий, бошқаларни ҳурмат қилмайдиган бўлиб ўсишларига сабаб бўлади.

Вояга етмаган болаларнинг кеч соат 12—1 гача кўча-кўйда, тўйларда, киноларда юришлари ҳеч кимни қайғуга солмай қўйди. Улар тўртта-бешта бўлиб тун ярмигача ўзлари тушунмайдиган ашулаларни магнитофонда ванғиллатиб завқланадилар. Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришнинг вақти келмадимикан? Шунингдек мактаб формаси ўрнига қимматбаҳо чет эл кийимларини кийиб келиш, папка ўрнига дипломат кўтариб келиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Болалар тарбиясида учраб турадиган салбий ҳолларни бартараф этиш учун вақти-вақти билан ота-оналарни йиғиб, улар ўртасида бола тарбияси, оила тебратиш ҳақида суҳбатлар уюштирилса, бунга кўп болали қаҳрамон оналар, тажрибали ўқитувчилар жалб этилса, айни муддао бўларди.

**Ф. НУРИДДИНОВ,**
**Жумҳурият халқ таълими аълочиси, шахсий пенсионер.**



**● Бекобод монтаж бошқармасида хўжалик йили яхши кўрсаткичлар билан бошланди. Дастлабки кунлардан топшириқлар ошиғи билан адо этилмоқда. Бунда пайвандчилардан Неъмат Юсупов ва Зокир Насруллаевларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар шахсий меҳнат беллашувида муваффақиятли қатнашиб, нормани ортиғи билан адо этмоқдалар. Ушбу суратда Н. Юсупов (чапда) ва З. Насруллаевларни иш устида кўриб турибсиз.**

**М. ҚОРАБЕКОВ суратга олган.**

## ХОНАДОНДА БОҒЧА БЎЛИМИ

**● Янгийўллик Ғуломқодир Усмоналиев ўз уйида болалар боғчаси очди. Уй бекаси Насиба опа хонадондаги боғчага тарбиячи бўлди. У етти нафар кичкинтойга қарамоқда. 3-болалар боғчасининг бўлими сифатида расмийлаштирилган хонадондаги боғча зарур ускуналар, ўйинчоқлар, озиқ-овқат билан таъминланган. Ҳозир шаҳардаги 23 та болалар боғчасида тўрт мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Аммо яна 2 минг кичкинтой боғчаларга навбат кутмоқда. Хонадонларда боғча бўлимларини ташкил этишни шаҳар кенгаши боғчалар тармоғини кенгайтиришнинг энг маъқул йўли деб ҳисобламоқда.**

**(ЎзТАГ).**

# ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА

ИНҚИЛОБ қишлоқ шўроси Оҳангарон ноҳиясидан 80 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда 630 хонадон бўлиб, 6500 киши истиқомат қилади. Очиғи илгарилари бу жойларда бироз ўзгариш қилиш жуда мураккаб вазифа эди. Қайта қуриш, айниқса, бошқарувнинг янгича усулларини жорий этиш, Шўроларга мустақиллик бериш, уларнинг нуфузини ошириш ўзининг самарасини берди. Шўро ҳудудидаги қишлоқлар сўнгги пайтда ободонлашиб бормоқда.

Бўлиб ўтган янги сайловлардан кейин депутатлар қишлоқ Шўросига ёш, олий маълумотли педагог Ҳошимжон Жумабоевни раис қилиб сайлашди. Шундан кейин ишлар янада юришиб кетди. Янги раис маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда жуда катта вазифаларни амалга оширмоқда. Масалан Чинор қишлоғида ичимлик сув ўткир муаммо бўлиб турарди. Икки километр масофага қувурлар тортилиб булоқ суви аҳоли яшайдиган жойга келтирилди. Шу ерда янги мактаб қурилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари Серкақирилди қишлоғида лой ботқоқ бўлиб ётадиган 2,5 километр масофадаги йўл текислаб, асфальтланди. Тангатопди қишлоғи аҳолисининг йўли ҳам янгитдан асфальт қилинди. Қишлоқ Шўроси депутати Ёқубжон Маматовнинг ташаббуси билан Тангатопти ва Четсув қишлоқларининг қабристони ободонлаштирилди.

Аҳолига якка тартибда уй қуриш учун қишлоқ Шўросининг ташаббуси билан 87 та янги оилага ер участкаси ажратилди. 100 хўжаликка 15 сотихдан қўшимча томорқа берилди. Шу йилнинг ўзидаёқ 33 хонадон янги уй қурди. Қишлоқ Шўроси айни вақтда аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлашга ҳам катта эътибор бермоқда. Хонадонлардаги чорва моллари учун икки вагон омухта ем тарқатилди.

Қишлоқ Шўросининг раиси 1991 йилда амалга оширилиши режалаштирилган бир қатор тадбирларни ҳам гапириб берди.

— Хуллас қишлоқ Шўроимизнинг 32 депутати билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб аҳолининг фаровонлиги учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз, — дейди Ҳ. Жумабоев. — Лекин бизни муаммолар кўпроқ қийнаяпти. Улардан биринчиси «Октябрь» шўро хўжалигининг 2-бўлимида алоҳида йирик чорвачилик ва боғдорчилик хўжалиги ташкил этиш масаласидир. Бу иш амалга оширилса ҳозирги кунда фойдаланилмай ётган ерлардан маҳсулот олиш, пировардида 400 га яқин ишга яроқли кишини фойдали меҳнатга жалб этиш мумкин бўлур эди. Иккинчи масала Ангренга қатновчи автобуслар муаммоси. Гап шундаки, амалда бу маршрутда транспорт ажратилган. Лекин негадир автобуслар ёзда қатнайди-ю, қиш ойларида тўхтатиб қўйилади. Аҳоли ниҳоятда қийналяпти. Мутасаддилар бу масалани ҳал этсалар яхши бўлар эди. Сўнгги муаммо қишлоқларни телефонлаштириш. Бу масалани ҳам тез орада ҳал этишимиз шарт. Акс ҳолда қишлоқ аҳли «Тез ёрдам» ёки бошқа бирор нарса зарур бўлиб қолганда 33 километр жойга, яъни Ангренга йўловчи машинада бориб келишга мажбур бўлмоқда.

Ҳа. Инқилоб қишлоқ Шўроси раиси бошчилигидаги депутатлар жуда катта ишларни бошлашди. Лекин раис таъкидлаганидек, юқоридаги муаммолар тезроқ ҳал этилса қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги янада ошган, қулайликлар яратилган бўлур эди.

**М. УТАНОВ,**
**партия ва меҳнат фахрийси.**

*● Маҳалла қўмитаси раислари ҳақида ҳикоялар*

# БАРАКА ТОПИНГ, ОТАХОН!

Хонага ийманибгина кириб келган бу киши ҳақида илгари ҳамкасбларимдан бири гапириб берган эди. Муҳаммадамин ака Расулмуҳамедов Ҳамза ноҳиясидаги Аҳмад Яссавий маҳалла қўмитасининг раиси эканлиги, жонкуяр ташкилотчи сифатида эл эътиборини қозонганлигини шунда билиб олгандим. Энди унинг ўзи билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Ёши улғайиб қолганига қарамай, ҳали тетик, очиқ чеҳрасидан табассум аримайдиган, баланд бўйли, кенг елкали отахон маҳаллада сўнгги йиллар ичида қилинган баракали ишлар тўғрисида оддийгина қилиб сўзлаб берди.

Аҳолисининг сони беш мингдан ортиқ бу маҳалланинг ўзига хос тарихи бор экан. У 1959 йилда собиқ Қорасув ноҳиясидан пойтахтимизнинг Ленин ноҳияси ҳудудига ўтгач, салкам қирқ йил давомида «бузилади», «бузилармиш» каби мишмишлар туфайли қаровсиз қолиб келди. Уйларнинг 95 фоизи «илгари ўзбошимчалик билан қурилган» деган даъво остида бўлган, мабодо бирон уй турли сабаблар туфайли шикастланса ё бузилиб кетса ҳам ҳақ тўланмай келинарди. Ҳатто 1989 йилда уйларни қонунлаштириш тўғрисидаги шаҳар қўмитасининг қарор шартларига ҳам тўғри келмасди. Шунда маҳалла оқсоқоллари одамлардан яхшилигини аямайдиган, каттаю-кичикка баробар маслаҳатчилари Муҳаммадамин акага Москвага хат йўллаш ҳақида оғиз очишди. Маҳалла қўмитаси ўз фаоллари билан маслаҳатлашгач, кексалар илтимоси бўйича иш тутди. Кўп ўтмай марказдан «маҳалла уйлари тўла қонунлаштирилсин, уни бузишга рухсат этилмасин» деган мазмунда хат олинди.

Халқимизда «Чумолининг ҳам ини бузилмасин» деган нақл бор. Бу хат маҳалла аҳолиси йиғилишида ўқиб берилганида, дил-дилдан суюнганларни қўяверасиз энди. Улар бу хайрли иш учун ўзлари сайлаган фаолларга раҳматлар айтиб, миннатдорчилик билдирдилар.

Кўпчиликда пайдо бўлган юқори кайфият энди уларни бирлаштириб саховатли ишларга бошлаш учун йўл очди. Шу тариқа хашар йўли билан энг аввало маҳалла учун катта замонавий чойхона қурилди. Тезда маҳалла аҳли бу даргоҳнинг маданий марказга айланиб бораётганлигини ҳис этди. Соғиниб кутилган Наврўз байрами, меҳнат ветеранларини шарафлаш давраси, қаҳрамон оналар гурунги, «Ёшлар ота-оналар изидан» суҳбат кечаси бу марказ «таржимаи ҳоли»ни бойитиб борди.

Кўчалар қиёфаси ўзгарди. Янги уйлар қуриб, уларда тўйлар ўтказаётган оилаларда маҳалла қўмитаси раисига ҳурмат ва ишонч ортиб борди. Ўтган йили советларга сайловлар вақтида Муҳаммадамин акани ҳам, унинг ўринбосари Бўрибой Юсуповни ҳам аҳоли ноҳия совети депутатлигига якдиллик билан сайлади. Сайловлар муваффақиятли ўтгач, депутатлар ғайрат кўрсатдилар.

Маҳаллага водопровод суви келтирилди, хонадонларни газлаштириш бошланди. Бир қатор оилаларга телефон ўрнатиб берилди.

Аҳмад Яссавий маҳалласининг номи ноҳияда танилиб қолди. Айниқса бу ерда тўйларнинг ихчам ва серфайз ўтаётганлиги, кишиларнинг бир бирларига оқибати яна ортиб бораётганлиги унинг обрўсини оширди.

М. Расулмуҳамедовнинг махсус дафтарида бошига фалокат тушган оилаларга кўрсатилган ёрдамлар ҳам қайд қилинган. Улар фақат ночор оилаларгагина эмас, балки ўт тушиш, зилзила туфайли зиён кўрган хонадонларга кўрсатилган саховатлар ҳақидаги маълумотлар ҳамдир.

— Авлодларимиздан-авлодларимизга ўтиб келаётган раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришда чойхонада ўтказаётган тадбирларимиз муҳим аҳамият касб этяпти, — дейди. — М. Расулмуҳамедов, — биз одамийлик, оқибат ҳақидаги суҳбатларни мунтазам ўтказиб турибмиз. Яқинда Туркистонда Аҳмад Яссавийга бағишлаб ўтказилган бутун дунё олимларининг сайёр семинарида қатнашдим.

М. Расулмуҳамедов маҳаллада қисқа вақт ичида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам гапирди. Метро қурилиши муносабати билан кўпгина сув йўллари йўқ бўлиб кетипти. Ғиждувон, Ховос, Хатирчи кўчаларининг боши беркитилиб, автобус қатнамай қўйди.

Раис рўзномамиз муҳарририятдан ана шу борада кўмаклашишни илтимос қилди. Ўзи, фаоллар билан ҳамкорликда маҳалла ободончилиги учун астойдил хизмат қилаверишини айтди. Унга бу ишида омад ва ривож тилаймиз.

**С. ҲАСАНОВ.**

